



“ЎЗСТАНДАРТ” АГЕНТЛИГИ
“STANDART”
ИЛМИЙ-ТЕХНИК
ЖУРНАЛИ

МУНДАРИЖА

Муассис: Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жихатдан тартибга солиш илмий-тадқиқот институти

Бош муҳаррир - Д.Н.Сагтаров
“Ўзстандарт” агентлиги Бош директори

Тахрир кенгаши:

- Ж.Н.Шукуров - “Ўзстандарт” агентлиги
Бош директорининг ўринбосари
- А.Ҳ.Хамдамов - Стандартлар институти
директори
- Н.Р. Юсупбеков - ЎзФА академиги, т.ф.д.,
профессор
- С.С. Негматов - ЎзФА академиги, т.ф.д.
профессор
- О.Ш. Ҳакимов - т.ф.д., профессор
- Ғ.Х. Ҳамроқулов - Тошкент кимё технология
институти, к.ф.д., профессор
- П.Р.Исматуллаев - т.ф.д., профессор
- П. Матякубова - Тошкент Давлат техника
Университети кафедра мудир
т.ф.д., профессор
- М.Муҳиддинов - т.ф.д., профессор
- Э. Мақсудов - т.ф.д., профессор
- А. Расулов - “Ўзстандарт” агентлиги
ахборот хизмати раҳбари
- З.Хўжаниёзова - Стандартлар институти
ахборот хизмати раҳбари
- Д.Камолова - етакчи мутахассис
- Л.Зиёвутдинова - дизайнер
- С.Строгий - рус тилидаги мақола
матнларининг муҳаррири

Манзил: Тошкент ш., Чўпонота кўчаси,
9 “в” уй.
Тел: (0 371) 250-01-05; 280-50-24
E-mail: smsiti@mail.ru
Тахририятга топширилган илмий-
техник мавзудаги мақолалар
қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят
нуктаи-назаридан фарқ қилиши
мумкин.
Кўчириб босилганда нашр номи
кўрсатилиши шарт.

Нашр Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси хузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2019 йил 13 майда
0021 рақами билан рўйхатга олинган.
ISSN 2181-7634
Босишга руҳсат этилди2021 йил.
Бичими 60x90 1/8
Шарти босма табоғи 5.58
Адади 1500 нусха

« »
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., тумани,
..... кўчаси уй
Тел: (+99871)
Буюртма

КОРТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА /// НА ПУТИ РАЗВИТИЯ СТРАНЫ

Абдурауф РАСУЛОВ, Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА
2.....Стандартлаштириш соҳаси: сарҳисоб ва истиқболли режалар

Фаррух МАХМУДОВ
4.....Аттестация рабочих мест и биологический фактор

МЕТРОЛОГИЯ

Шарапат ҚАДИРОВА, Хамдам ЖАББАРОВ, Нодира УМАРОВА,
Достон РАХМАТОВ
6.....Ўлчаш воситаларининг информацион характеристикаларини баҳолаш

Абдушуккур АБДУЛЛАЕВ, Исломбек ХОТАМОВ, Улуғбек ПАНЖИЕВ
8.....Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри фаолиятини янада
такомиллаштиришнинг нурли истиқболлари

ФАН ВА ҲАЁТ /// НАУКА И ЖИЗНЬ

Aziza MIRALIYEVA, Sarvar RAXMATULLAYEV
11.....Zamonaviy mikroelektronikada o'lchashlarning fizikaviy asoslari

Ўзбекистон миллий метрология институти матбуот хизмати
14.....ИЛМ-ФАН ВА ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ: Ўзбекистон миллий метрология
институти жамоасининг фахрий устозларидан бири - етакчи илмий ходим Ким
Лариса Петровнадир

Шохбоз ЖАРҚИНБОЕВ, Абборжон ЭРКАБОЕВ
16.....Манометрларнинг метрологик ишончилигини тадқиқ этиш

ЯНГИ ДАВР - ЯНГИЧА ҚАРАШ /// НОВЫЙ ПЕРИОД - ЭТО НОВЫЙ ВЗГЛЯД

Дилшод ЮДАШЕВ, Раҳмонқул РЎЗИЕВ
20.....Стандартлар соҳасида "Озуқа бирлиги" ўрнига "энергетик озуқа бирлиги"ни
кириштириш мамлакатимиз учун зарурми?

СТАНДАРТЛАШТИРИШ /// СТАНДАРТИЗАЦИЯ

Патхулла Исматуллаев, Отабек ТАИРОВ, Камола ТАИРОВА
24.....Маҳсулотларни стандартлаштириш ва хавфсизлигини таъминлаш муҳим масала

Тулқун АСКАРХОДЖАЕВ, Сарвар АЗИМОВ, Севара ЖАЛИЛОВА
26.....Йўл қурилиш транспортларида қўрувчанликни баҳолаш усуллари

МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШ /// ОЦЕНКА СООТВЕТСТВИЯ

Барно КЕНЖАЕВА, Нилуфар ШАНАЗАРОВА
30.....Йўловчилар ташишни ташкил этишда бошқарув тизими

Ситорахон РИХСИТУЛЛАЕВА
33.....Мувофиқликни баҳолаш моделлари ва уларни сертификатлаштиришда
қўлланилиши

СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ /// СИСТЕМА МЕНЕДЖМЕНТА КАЧЕСТВА

Патхулла ИСМАТУЛЛАЕВ, Парахат МАТЯКУБОВА, Хамдам ЖАББОРОВ
38.....Ещё раз о качестве

Аббос АКБАРОВ
41.....Мақсадли инвестициядан - истиқболли корхоналар сари

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР /// НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

Дилшод РАХИМОВ, Сураат САЛИХОВ, Сардор АННАМУРАТОВ
43.....Ўзбекистонда топинамбурнинг "Файз барака" ва "Мўъжиза" навларидан
маҳсулот ишлаб чиқаришда яратилган истиқболли ихтиролар, технологиялар ва
техник шароитлари



УДК 332.150

ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛАШТИРИШНИНГ НУРЛИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Абдушукур АБДУЛЛАЕВ -

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг ўринбосари - "Геоинновация маркази" давлат унитар корхонаси директори

Исломбек ХОТАМОВ
Улуғбек ПАНЖИЕВ -

"Ўзстандарт" агентлиги хузуридаги Департамент Давлат инспектори
Ўзбекистон миллий метрология институти мутахассиси

Annotatsiya

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Аннотация


В статье представлена аналитическая информация по дальнейшему совершенствованию земельных ресурсов, геодезии, картографии и государственного кадастра в Республике Узбекистан.


Annotation

The article provides analytical information on the further improvement of land resources, geodesy, cartography and the state cadastre in the Republic of Uzbekistan.

Ўзбекистон Республикасида ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, ер назоратини амалга ошириш вазифалари

битта идорада тўпланган. Ер участкалари, бино ва иншоотларга кадастр йиғма жилди рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзи томонидан тайёрланади. Буларнинг барчаси манфаатлар тўқнашувини юзага келтирмоқда. Хужжат билан ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича қуйидаги қадамлар назарда тутилади.





Биринчидан:


Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлашти-

риш, қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилади.

Бунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларнинг таркибдаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида уларнинг мониторингини ўтказиш Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинг доирасида амалга оширилиши;

Тегишлича, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг коррективировкасини ўтказиш, суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш учун бюджетдан назарда тутиладиган маблағлар 2021 йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ажратилиши;

Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга тадбиркорлик субъектлари жалб қилиниши.



Иккинчидан:

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси негизда Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилади.

Идора халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ўз соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ягона давлат сиёсатининг амалга ошириш ва унга асосий йўналишда бошқа вазифаларни амалга ошириш билан шугулланади:



Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш

- кўчмас мулкка - ер участкалари, бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

- давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш;

- кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашга ва ер участкаларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олиншига йўл қўймасликка қаратилган самарали ер назоратини амалга ошириш.

Геодезия ва картография

- аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картографияга оид изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни масофадан зондлаш, геодинамик тадқиқотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда картографик мониторингни амалга ошириш;

- давлат картография-геодезия кадастрини юритиш;

- давлат геодезия назорати.

Давлат кадастрларини юритиш

- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мазкур соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

- Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш, ҳудудлар давлат кадастрининг самарали юритилишини таъминлаш;

- давлат кадастрларини юритиш тартибларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган самарали кадастр назоратини амалга ошириш.

Ҳужжат билан ушбу муаммони ҳал қилишнинг асосий йўллари деб ҳисобланса, мақсаддан ҳоли бўлмайди.

Кадастр соҳасидаги давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш уларнинг тезкорлиги ва фойдаланиш имкониятларини ошириш, давлат органлари фаолиятининг шаффофлигига эришишни ва хизматлардан фойдаланувчиларга ахборот хизмати кўрсатишни яхшилаш, ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш, кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини ошириш, соддалаштириш, ортиқча тартиб-таомилларни қисқартириш учун кадастр паспортини электрон шаклини амалиётда жорий этиш юзасидан Давергеодезкадастр кўмитаси томонидан бир қатор норматив ҳужжатлар ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур истиқболли жараёнларни тизимдаги барча ташкилот, корхона ва бошқармаларда жорий қилишнинг асоси ҳукуматимиз раҳбари томонидан қабул қилинган 2019 йил 5 февралдаги “Жаҳон банки ва халқаро молия

корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4160-сонли, 2019 йил 5 апрелдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4270-сонли қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сонли қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қарорлари ижроси ҳисобланади.

Ўз навбатида, Кўчмас мулк кадастри соҳасида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш анъанавий усулидан (ёзма мурожаат қилиш, реестр дафтарларига ёзувлар киритиш, махсус бланкли ҳуқуқни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар тақдим қилиш, рўйхатга олинганлигини устхат ёзиш орқали тасдиқлаш, улар тўғрисида маълумотлар тақдим қилиш) давлат хизматлари марказлари орқали электрон тизимга ўтказилиши, кўчмас мулк объектларини кадастр рақамларини солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамига (СТИР) интеграция қилишини, бу билан мулкдорлар, фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ягона электрон маълумотлар манбаини яратиш, ер ва бино иншоотларининг ҳуқуқий мақоми, географик жойлашуви, мақсади, майдони ҳамда қийматлари тўғрисидаги маълумотларнинг дастурий географик ахборот тизимига киритилиши, кўчмас мулк объектларига геокод бериш орқали манзилли рўйхатини шакллантириш орқали Кўчмас мулк кадастрини рақамлаштириш тизимига ўтилмоқда.

Кўчмас мулк кадастри паспорти - объектнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган кадастр суратига олиш, техник инвентаризация қилиш ва паспортлаштиришнинг, махсус текшириш ва изланишларнинг, сифат ва қиймат жиҳатдан баҳолашнинг ҳужжатлари, материаллари ва маълумотлари жамламаси ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Давлатимиз раҳбари: “Ернинг ҳисобини аниқ юритиш ва самарали фойдаланиш кишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, қурилиш, геология каби кўплаб соҳалар учун жуда муҳим”, деганлари бежизга эмас. Ҳар бир қарич ер халқимизга манфаат келтириши кераклигини назарда тутганлар. Шунинг учун ҳам ер ҳисоби ва давлат кадастрларини тўлиқ шакллантириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш масалалари муҳим вазифа ҳисобланади.

Фойдаланилган манбаалар:

1. <https://uza.uz/>
2. <https://www.norma.uz/>
3. www.kaznu.kz
4. <https://lex.uz>

